



Албатта дунё жозибадор, тотлидир. Аллоҳ сизларни унда халифа қилгандир ва қандай амал қилишингизга қарайди. Дунё ҳамда аёллар фитнасидан четланинг!

Абу Саид ал-Худрий разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта дунё жозибадор, тотлидир. Аллоҳ сизларни унда халифа қилгандир ва қандай амал қилишингизга қарайди. Дунё ҳамда аёллар фитнасидан четланинг!. Албатта, Бани Исройлнинг биринчи фитнаси аёлларда бўлган эди», -дедилар».

[Тўғри матн] [Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда албатта дунё тами тотли, кўриниши жозибадор эканини, инсон у билан ғуурланиб, унга кўмилишини ва энг катта ғами қилиб олишини баёнладилар. Аллоҳ таоло ҳаёти дунёда баъзиларимизни баъзиларимизга қандай амал қилишимизни кўриш учун ўринбосар қилиб қўйган. У Зотга итоат қиласизми ёки осийликми? Сўнгра: Сизларни дунё матоси ва зийнати алдаб қўйишидан ва Аллоҳ буюрган нарсани тарк қилишга ва қайтарган нарсасини бажаришга олиб бориб қўймасин», - дедилар. Дунёда сақланиш керак бўлган фитналарнинг энг улуғи аёллар фитнаси бўлиб, Бану Исройл билан юз берган энг биринчи фитна аёлларнинг фитнаси эди.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/3053>